

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Хоразм вилоят статистика  
бошқармаси бошлиғи

*Мадаминов Х.Б.*  
04 01 2018 йил



**Хоразм вилоят статистика бошқармаси ижтимоий соҳа статистикаси бўлими  
тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Хоразм вилоят статистика Бошқармаси Ижтимоий соҳа статистикаси бўлмининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) асосий вазифалари ва функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Хоразм вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошка қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Хоразм вилоят статистика Бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим ижтимоий соҳа статистикаси масалалари бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси Ижтимоий соҳа ва баркарор ривожланиш статистикаси бошқармаси, бошқарманинг тармок бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Хоразм вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

**2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

6. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиши соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Хоразм вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ўз вактида шакллантирилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлашда иштирок этиш;

Ижтимоий соҳа статистикаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича Давлат статистика қўмитасига таклиф бериш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узоқ муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

*б) ҳалқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:*

макроиқтисодий, тармоқ ва худудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга каратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кент жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган ҳалқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни ваколати доирасида амалга ошириш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

*в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижсалари тўгрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:*

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, методологик ва ташкилий ишлар режаждавалларининг бажарилишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа бўйича статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва нашр қилиш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қозоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича мамлакатдаги ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилини олиб бориш;

хўжалик юритувчи субъектларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистика, ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг кулагилиги, очиқ-оидинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга ошириш;

ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бўйича олинган статистика маълумотларининг маҳфийлигини, бирламчи ҳисбот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки микдор кўрсаткичларини расмий

тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл кўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ўз ваколати доирасида бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлаш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва аҳолини статистика ахборотлари билан таъминлаш соҳасида:

фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун ижтимоий соҳа статистикасига оид статистик ахборотларнинг максимал даражада очик-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ижтимоий соҳанинг ривожланиш тенденцияларини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар ва докладлар тайёрлаш;

ижтимоий соҳа статистикасини тавсифловчи статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга ошириш;

Бўлим ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

барча фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича очик статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат статистика кузатувлари шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастури ҳамда Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастуридаги ижтимоий соҳа статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан, электрон шаклда келиб тушган мурожаатларнинг тегишли кисмини кўриб чикади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан ижтимоий соҳа статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Туман статистика органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга статистик классификаторлардан фойдаланган ҳолда ишончли давлат статистика хисоботларини тақдим этишда методик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йигади, қайта ишлайди, умумлаштиради, дастлабки статистик таҳлилини амалга оширади ва эълон килади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилиги, холислигини ва комплекслигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни, халқаро ташкилотларни ва аҳолини ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошка функцияларни хам амалга оширади.

### **3-боб. Бўлимнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

Бошқарманинг тармок бўлинмалари ва туман статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошка юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Хоразм вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига ижтимоий соҳа статистикаси самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

Давлат статистика ҳисботлари камрови тўлиқлигини таъминлаш, йиғиш ва қайта ишлаш муддатларини кисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид олинаётган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишларда, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш;

9. Бўлим қуидагилар учун жавоб беради:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошка материалларни юкори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиши;

### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлим тузилмаси бўлим бошлиги, бош мутахассиси ва етакчи мутахассисидан иборат.

11. Бўлимга Бошқарма бошлиги ўринбосари раҳбарлик килади.

12. Бўлим бошлиги ва бўлим мутахассислари Бошқарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади.

### 5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Хоразм вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, ушбу Низом, Хоразм вилоят статистика бошқармаси бошлиги буйруқлари ва топшириклари, шунингдек Хоразм вилоят статистика бошқармаси иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиги томонидан бўлинмага юклangan вазифалардан келиб чиккан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиги томонидан тасдикланади.

#### 14. Бўлим бошлиги:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг, шунингдек бўлимга юклangan вазифалар бўйича маълумотларнинг сифатли ва ўз вактида тайёрланишини ташкил қиласди;

Бўлимнинг тасдикланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия килинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;  
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Хоразм вилоят статистика бошқармаси йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топширигига биноан бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурӯхлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Бошқарма раҳбари ва унинг ўринбосарларининг топшириклирага мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, кўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бўлим мутахассисларига ижтимоий соҳа тармоклари статистикаси бўйича, нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият ва туризм соҳаларида статистик кузатувлар, таълим, соглиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Хоразм вилоят статистика бошкармасининг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофик бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича тахлилий ва бошка материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-хукукий хужжатлар, режалар ва дастурлар лойихаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли кисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашин масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишини олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни саклаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

15. Бўлим бошлиғи вактинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини – бўлим бош мутахассиси бажаради.

#### **16. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофик маълумотлар, таклифлар ва хужжатлар лойихаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

амалдаги статистика методологиясини такомиллаштириш ва статистик инструментарийни тайёрлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарма тармок бўлинмаларига ва туман статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

туман статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни хал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофик жорий ишларни бажаради;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятида фаол иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофик бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **17. Бўлим етакчи мутахассиси**

давлат статистика ҳисбот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этишда иштирок этади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича динамик каторларни юритади;

ижтимоий соҳа статистикасига оид дастлабки маълумотларни йигади, таҳлил этади ва умумлаштиради;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий-математик усулларда ижтимоий соҳа статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равишда мантикий таҳлил қилишда иштирок этади;

раҳбарият топшириклари ижросини таъминлайди.


вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Бошқарма бошлигининг  
ўринбосари




А.Рахимов

Бошқарма юрисконсульти



У.Бекдурдиев

Бўлим бошлиғи в.б



К.Атаева